УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
Избоскан туман
ҳокимлиги
ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ANDIJON VILOYATI
Izboskan tuman xokimligi
OBODONLASHTIRISH
BOSHQARMASI

*Пойтуғ шаҳар, Янгибозор кўча Тел: (8-374) 312 – 44 – 90*

16«8»2022 й. 347-1-22-OB/2022-son

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (лот 22110012131796)

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган "Избоскан туман Ободонлаштириш бошкармаси" бошлиги **Б.Рахмонов** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Турткул курилиш ишончи " МЧЖ номидан Низом асосида директори **Вохобов М** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича "Избосккан туман А.Жомий МФЙ Дорбоз кучаси" объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори ( 2022 йил лот раками "22110012131796" электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан **936 999 646.00 ( Тукиз юз уттиз олти миллион туккиз юз туксон туккиз минг олти юз кирк олти** ) сўмни ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## Ш. Пудратчининг мажбуриятлари.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. Ишларни бажариш муддати

6. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

7. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

## VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 281099894 ( Икки юз саксон бир миллион туксон туккиз минг саккиз юз туксон турт ) сўмни ташкил этади.

10. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

16. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

18. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

19. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

20. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

21. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

22. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

23. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

24. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги

инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

25. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

26. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

**VIII. Ишларини қўриқлаш**

27. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

28. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

**IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

29. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

30. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

31. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

**X. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

32. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга

33. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

34. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

35. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XII. Шартномани бекор қилиш

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

42. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

44. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

45. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида Пудратчидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.ё

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

57. Мазкур шартнома туман ғазначилик булинмасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

## XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

**“БУЮРТМАЧИ”**

**Номи:Избоскан туман Ободонлаштириш бошкармаси**
**Манзил: Пойтуг шахар Янги бозор кучаси**
**Ш/Х:40172286003214704520411000 2**
**ИНН : 200271354 МФО ;00014**
**Банк: Banki:Markaziy bank XKKM Toshkent**
**Х/Р X/R: 23402000300100001010**
**МФО: 00014 ИНН : 201122919**
**Индекс:17073**
**Тел: +998 743124490**

**Рахбар: Б.Рахмонов**

**"ПУДРАТЧИ"**

**Номи: " Турткул курилиш ишончи” МЧЖ**
**Манзили: Избоскан туман Истиклол МФЙ , Озодлик куча245 уй**
**Банк номи: “Агробанк”АТ Избоскан филиали**
**Х/Р: 20208000105077719001 МФО: 00045 ИНН: 306427648**
**ОКНХ:41202**
**Тел: +998 91 161 2270**

**Рахбар: М.Вохобов**

.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: QF1123808150

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ ZC42758652

1. **Loyiha turi** – ichki buyruq.

2. **Loyihaning nomi** – fuqarolik shartnomasi.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana** – Izboskan tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 12.08.2022-yilda ishlab chiqilgan.

Shartnoma loyihasi bilan tanishib chiqib quyidagicha xulosa qilaman:

**Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Izboskan tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi Bosh yuriskonsulti**

**A.K.Qosimov**

*16.08.2022-yil.*

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 131796 на приобретение Избоскан туман Ободонлаштириш бошкармаси. А.Жомий МФЙ Дорбоз кучасини бетон коплама коплаш. Мукаммал таъмирлаш.

Способ проведения электронный

Дата 11.08.2022

Время рассмотрения 11.08.2022 15:29

Конкурсная комиссия Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KUCHKAROV IBRAXIMJAN AYDAROVICH | Bosh muhandis | Избоскан туман Ободонлаштириш |
| **Секретарь комиссии** | Madaminova Nodiraxon Oybek qizi | Kotiba | Избоскан туман Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | MUXTOROV KARIMJON ABLULAZIZ O'G'LI | Bo'lim boshlig'i | Izboskan tuman Obodonlashtirish |
| **Член комиссии** | QURBONOVA DILMURA MUTALIBOVNA | Iqtisodchi | Избоскан туман Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | QURBONOV DILMUROD NURMUXAMMADOVICH | Chilangar | Избоскан туман Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | SULTONMAMATOV ALBATIR FAZILOVICH | Omborchi | Избоскан туман Ободонлаштириш |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.08.2022 года № лота 131796.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту дорог** |
|---|---|
| Подробное описание | Жомий МФЙ Дорбоз кучасини бетон коплама билан коплаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 936 999 646.00 |
| Стартовая сумма | 936 999 646.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати 10 бал

Тип: Текстовое значение

Описание: 4. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GIGANT STROY INVEST MCHJ** | 10 | Тавсия этилаётган киймат | 5 | Экспертная | | |
| **"XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati** | 10 | 910000000 | 10 | Экспертная | | |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 10 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |
| **АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ** | 10 | 900999646 | 4 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари 25 балл

Тип: Текстовое значение

Описание: 2. Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GIGANT STROY INVEST MCHJ** | 25 | Тавсия этилаётган киймат | 25 | Экспертная | | |
| **"XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati** | 25 | 910000000 | 25 | Экспертная | | |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 25 | хужжати бор | 25 | Экспертная | | |
| **АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ** | 25 | 900999646 | 13 | Экспертная | | |

Критерий №3 Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома 10 бал

Тип: Текстовое значение

Описание: 5. Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GIGANT STROY INVEST MCHJ** | 10 | Тавсия этилаётган киймат | 6 | Экспертная | | |
| **"XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati** | 10 | 910000000 | 10 | Экспертная | | |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 10 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |
| **АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ** | 10 | 900999646 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 1. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот 20 балл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги тўғрисида уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи Ягона миллий меҳнат тизими my.mehnat.uz дан юкланган QR-кодли меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда диплом нусхасини тақдим этиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| GIGANT STROY INVEST MCHJ | 20 | Тавсия этилаётган қиймат | 15 | Экспертная | | |
| "XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati | 20 | 910000000 | 20 | Экспертная | | |
| TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ | 20 | 900999646 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 . Корупция холатларига йўл қўймаслик хақида пудратчи томонидан кафолат хати 5 бал

Тип: Текстовое значение

Описание: 6. Жамият Фирминий бланкасида кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| GIGANT STROY INVEST MCHJ | 5 | Тавсия этилаётган қиймат | 5 | Экспертная | | |
| "XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati | 5 | 910000000 | 5 | Экспертная | | |
| TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ | 5 | хужжати бор | 5 | Экспертная | | |
| АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ | 5 | 900999646 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси 15 бал

Тип: Текстовое значение

Описание: 3. Маълумотлар Танлов иштирокчиси томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг (АКТ ВВОД) нусхалари билан тасдиқланади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| GIGANT STROY INVEST MCHJ | 15 | Тавсия этилаётган қиймат | 5 | Экспертная | | |
| "XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati | 15 | 910000000 | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 15 | хужжати бор | 14 | Экспертная | | |
| **АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ** | 15 | 900999646 | 8 | Экспертная | | |

Критерий №7 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш хаки жамғармаси ва ходимлар ўртача сони буйича кўрсаткичлар 15 бал

Тип: Текстовое значение

Описание: 7. Иш хаки жамғармаси ва ходимлар ўртача сони керакли ташкилотлардан тасдикланиши керак.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GIGANT STROY INVEST MCHJ** | 15 | Тавсия этилаётган қиймат | 15 | Экспертная | | |
| **"XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati** | 15 | 910000000 | 2 | Экспертная | | |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 15 | хужжати бор | 12 | Экспертная | | |
| **АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ** | 15 | 900999646 | 8 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati** | 936 999 646.00 | 910 000 000.00 UZS | 910 000 000.00 | 00.00 | 910 000 000.00 | 10.08.2022 19:03:05 | 29.67 |
| **GIGANT STROY INVEST MCHJ** | 936 999 646.00 | 900 000 000.00 UZS | 900 000 000.00 | 00.00 | 900 000 000.00 | 10.08.2022 11:12:51 | 30.00 |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 936 999 646.00 | 936 999 646.00 UZS | 936 999 646.00 | 00.00 | 936 999 646.00 | 11.08.2022 10:38:36 | 28.82 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati** | 60.9 | 29.67 | 90.57 |
| **АНТАЛ КУРУВЧИ СЕРВИС МЧЖ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **GIGANT STROY INVEST MCHJ** | 53.2 | 30 | 83.2 |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 67.2 | 28.82 | 96.02 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 131796 от 11.08.2022 года на приобретение Избоскан туман Ободонлаштириш бошкармаси. А.Жомий МФЙ Дорбоз кучасини бетон коплама коплаш. Мукаммал таъмирлаш. определила победителем:

TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ
306427468

и резервный исполнитель: "XO'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati (302428002)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | KUCHKAROV IBRAXIMJAN AYDAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUXTOROV KARIMJON ABLULAZIZ O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | QURBONOVA DILMURA MUTALIBOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | QURBONOV DILMUROD NURMUXAMMADOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SULTONMAMATOV ALBATIR FAZILOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«MIMAX-ROAD»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

MIMAX-ROAD

...нджон вилояти Андижон шахар Махжурий кучаси 27-уй Тел: (99899) 000-66-64 Асака Банк Андижон вилоят бўлими
Х/Р:2020 8000 8009 9958 2001, МФО:00 069, ИНН:306 098 110, ОКОНХ: 66 000, эл.манзил: mimax.road@mail.ru

# СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

## КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ ВНУТРИХОЗЯЙСТВЕННЫХ ДОРОГ УЛИЦЫ "ДАРБОЗ" В МФЙ "А.ЖОМИЙ" В ИЗБАСКАНСКОГО РАЙОНЕ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**ПРОТЯЖЕННОСТЬЮ 1477,0**

**(ПОСЛЕ ЭКСПЕРТНОГО ЗАКЛЮЧЕНИЯ)**

КОПИЯ. №______

Андижан - 2022 год

«MIMAX-ROAD»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

MIMAX-ROAD

# СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

**КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ ВНУТРИХОЗЯЙСТВЕННЫХ ДОРОГ УЛИЦЫ "ДАРБОЗ" В МФЙ "А.ЖОМИЙ" В ИЗБАСКАНСКОГО РАЙОНЕ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ПРОТЯЖЕННОСТЬЮ 1477,0**

**(ПОСЛЕ ЭКСПЕРТНОГО ЗАКЛЮЧЕНИЯ)**

MIMAX-ROAD LOYIHA UCHUN

Директор: С. Закирова

Глав. инженер: Ш. Ашуров

Андижан - 2022 год

Xalq deputatlari Izboskan tuman
Kengashining
2022 yil 7 maydagi
VI-34-40-1-22-K/22-son qaroriga
1-ilova

| № | Голиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган* | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўпланган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | 7 170 480 | x | x |
| 1 | 330400025 | Избоскан туман Гуркиров МФЙ худудида жойлашган 27-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларни янгилаш | 1895 | 700 000 | 700 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 2 | 330400099 | Избоскан туман Гузар МФЙ худудида 12-умумий ўрта таълим мактабининг моддий техника базасини яхшилашга | 1887 | 750 000 | 750 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 3 | 330400047 | Избоскан туман М.Улугбек МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси ички касалликлар бўлими биносини жорий таъмирлашга | 1795 | 530 000 | 530 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Тиббиёт бўлими |
| 4 | 330400051 | Избоскан туман Солбоши МФЙ худудида жойлашган 21-мактабгача таълим ташкилотини кўргон девор килиш | 1755 | 300 000 | 300 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Мактабгача таълим бўлими |
| 5 | 330400068 | Избоскан туман Туячи МФЙ худудида жойлашган Файзабод ҳамда Ёш тадбиркор кўчаларини асфалт килиш | 1586 | 1 000 000 | 1 000 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Ободонлаштириш бўлими |
| 6 | 330400050 | Избоскан туман Навжур МФЙ худудида жойлашган Лутумбек маданият уйига иситиш тизимини янгилаш | 1494 | 550 000 | 550 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Маданият бўлими |
| 7 | 330400053 | Избоскан туман Навоий МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси Тез ёрдам бўлимини иситиш тизими ҳамда биноси фасат қисмини жорий таъмирлаш | 1374 | 480 000 | 480 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Тиббиёт бўлими |
| 8 | 330400093 | Избоскан туман Солбоши МФЙ худудида жойлашган 38-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларни ҳамда синф хоналарини пол қисмини янгилаш | 1342 | 1 080 000 | 1 080 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 9 | 330400007 | Избоскан туман М.Улугбек МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиника ташқи қисмини ҳамда биноси 1 қаватини таъмирлашга | 1199 | 490 000 | 490 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Тиббиёт бўлими |
| 10 | 330400048 | Избоскан туман Зарбдор МФЙ худудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг таъмир талаб синф хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт зали таъмирлашга | 1109 | 250 000 | 250 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 11 | 330400006 | Избоскан туман Зарбдор МФЙ худудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлашга | 993 | 200 000 | 200 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 12 | 330400095 | Избоскан туман А.Жомий МФЙ худудида жойлашган дорвоз кўчасини бетон йўл килишга | 991 | 960 000 | 960 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Ободонлаштириш бўлими |

Активация Windows
Чтобы активировать Windo

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Халқ депутатлари туман
Кенгаши раиси
__________ С.Н.Исмоилов

Избоскан тумани бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган* | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўпланган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | 7 170 480 | x | x |
| 1 | 330400025 | Избоскан туман Гуркиров МФЙ худудида жойлашган 37-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларини янгилаш | 1895 | 700 000 | 700 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 2 | 330400099 | Избоскан туман Гузар МФЙ худудида 12-умумий ўрта таълим мактабининг моддий техника базасини яхшилашга | 1887 | 750 000 | 750 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| | 330400047 | Избоскан туман М.Улугбек МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси ички касалликлар бўлими биносини жорий таъмирлашга | 1795 | 530 000 | 530 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Тиббиёт бўлими |
| | 330400051 | Избоскан туман Солбоши МФЙ худудида жойлашган 21-мактабгача таълим ташкилотини қўргон девор қилиш | 1755 | 300 000 | 300 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Мактабгача таълим бўлими |
| | 330400068 | Избоскан туман Туячи МФЙ худудида жойлашган Файзобод ҳамда Ёш тадбиркор кўчаларини асфалт қилиш | 1586 | 1 000 000 | 1 000 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Ободонлаштириш бўлими |
| | 330400050 | Избоскан туман Навжур МФЙ худудида жойлашган Аугумбек маданият уйига иситиш тизимни янгилаш | 1494 | 550 000 | 550 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Маданият бўлими |

| № | Голиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган' | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| | 330400053 | Избоскан туман Навоий МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси Тез ёрдам бўлимини иситиш тизими ҳамда биноси фасат қисмини жорий таъмирлаш | 1374 | 480 000 | 480 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Тиббиёт бўлими |
| | 330400093 | Избоскан туман Солбоши МФЙ худудида жойлашган 38 умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларини ҳамда синф хоналарини пол қисмини янгилаш | 1342 | 1 080 000 | 1 080 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| | 330400007 | Избоскан туман М.Улугбек МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиника ташқи қисмини ҳамда биноси 1 қаватини таъмирлашга | 1199 | 490 000 | 490 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Тиббиёт бўлими |
| | 330400048 | Избоскан туман Зарбдор МФЙ худудида жойлашган 4 умумий ўрта таълим мактабининг таъмир талаб синф хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт залини таъмирлашга | 1109 | 250 000 | 250 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| | 330400006 | Избоскан туман Зарбдор МФЙ худудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлашга | 993 | 200 000 | 200 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Халқ таълим бўлими |
| 3 | 330400095 | Избоскан туман А.Жомий МФЙ худудида жойлашган дорвоз кўчасини бетон йўл қилишга | 991 | 960 000 | 960 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Ободонлаштириш бўлими |
| | Тақсимланмаган маблағ | | | | 7 290 000 | | |

**Туман ҳокимининг ўринбосари** **Б.Қамбаров**

**Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири в.в.б** **Б.Ахмедов**